O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 19-avgust • Seshanba • 98 (27.903) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

**«...Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади».**

## «ПОЙТУҒ-ТЕКС»НИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ

**Избоскан тумани маркази Пойтуғ шаҳрида йилига 4200 тонна трикотаж ишлаб чиқариш қувватига эга «Пойтуғ-текс» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси маҳсулотлари хорижий мамлакатларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.**



**Суратда:** (чапдан) цех бошлиғи Жўрабой Мамадалиев монтажчи Ҳакимжон Усмонов билан трикотаж матоси ишлаб чиқариш цехида янги дастгоҳларни кўздан кечирмоқда. **Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат**

Андижон вилоятида ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш, чет эл инвестицияларини жалб этиш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида шаҳар ва туманларда ўндан ортиқ қўшма корхоналар ишга туширилди. Шулардан бири «Пойтуғ-текс» қўшма корхонасидир. Ушбу корхонанинг Чехияда иккита савдо уйи очилган бўлиб, у ерда Европа давлатларидан маҳсулотларга буюртмалар олинмоқда.

— Корхонамизда 120 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг асосий қисмини ёш, малакали мутахассислар ташкил қилади, — дейди маҳаллий инвестор Толибжон Қодиров. — Шу туфайли ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг 80 фоизини хориж мамлакатларига экспорт қилишни режалаштирмоқдамиз.

## БОҚИЙ ВА БАРҲАЁТ АНЪАНА

*Мамлакатимизда 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Унда ўн беш миллион нафар ҳашарчи иштирок этди.*

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган, инсоният тафаккури тараққиётида бемисл ўрин тутадиган урф-одат ва қадриятлари кўп. Ҳашар ана шундай боқий ва барҳаёт анъаналаримиздандир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида бундай умрбоқий қадриятларимизга қайта ҳаёт бахш этилиши баробарида, улар янгича маъно ва мазмун билан ҳам бойитилмоқда. Юртимизда табаррук Наврўзи олам ва энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик куни арафасида ўтказилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва озодалик ойликлари, ушбу тадбирлар доирасида ташкил этилаётган умумхалқ хайрия ҳашарлари бунга мисол бўла олади.

Истиқлолимизнинг 17 йиллиги арафасида бундай тадбирлар янада кенг қулоч ёймоқда. Айёмимизни обод маҳаллада, ораста хонадон ва кўчаларда, сўлим ва озода хиёбонларда кутиб олиш мақсадида юртимизда ободонлаштириш ва озодалик ойлиги тадбирлари давом этмоқда.

Ҳашардан кўзланган мақсад «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлилик, саховат ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, республикамиздаги санитария-эпидемиология ҳолатини янада яхшилаш ва умумхалқ байрамига қизғин ҳозирлик кўришдир.

Ҳашарни ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича иш олиб борган Республика ишчи гуруҳидан маълум қилишларича, икки кунлик ҳашарда қарийб 15 миллион нафар ватандошимиз иштирок этган. Уларнинг ярмидан кўпини навқирон авлод вакиллари ташкил этгани йигит-қизларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаоллиги тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

2-бет

**Китоблар кўргазмаси**

## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ САОДАТЛИ НЕЪМАТЛАРИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси Ёшлар ахборот-ресурс марказида Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

«Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир» мавзуида ўтказилаётган мазкур китоблар кўргазмасидан кўзланган мақсад зиё масканининг асосий ўқувчилари — ёш авлодни истиқлолнинг асл мазмун-моҳияти, ўтган йилларда қўлга киритилган улкан ютуқлар, мустақилликнинг саодатли неъматлари, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти билан яқиндан таништиришдан иборат.

Кўргазмада халқимизнинг асрий орзуси бўлмиш истиқлолнинг кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритилган буюк тарихий ютуқ экани баробарида, ҳар бир ҳамюртимиз учун эркинлик, озодлик тимсолига айланганини очиб берувчи сиёсий, ижтимоий, илмий нашрлар, ранг-баранг фотосуратлар, плакатлар, рисолалар, мақолаларга кенг ўрин берилган.

Кўргазма Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда, жумладан суд-ҳуқуқ соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини акс эттирувчи бўлим билан бошланади. Бу ерда давлатимиз раҳбари томонидан 2008 йилнинг 1 май куни имзоланган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони доирасида бажарилаётган ишлар акс эттирилган фотосуратлар, янги рисолалар, китоблар билан танишиш мумкин.

«Юксак маънавият — енгилмас куч» мавзуидаги бўлимда миллий маънавиятимиз асосларини тиклаш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизнинг қайта кўз очиши билан боғлиқ адабиётлар намойиш этилаётган бўлса, кўргазманинг «Ёшлар — юрт таянчи» бўлимида навқирон авлод камолоти, истиқболи, келажаги йўлида амалга оширилаётган улкан эзгу ишлар, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларнинг моҳияти, навқирон истеъдод соҳибларининг қўлга киритаётган ютуқларига оид янги адабиётлар, фотоальбомлар намойиш этилмоқда.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

## ЖАНУБИЙ ОСЕТИЯ УЧУН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз ҳукуматига Жанубий Осетиядаги ҳарбий можаро оқибатида жабрланган аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 250 минг АҚШ доллари ажратишни топширди.

Турли қурилиш материаллари, жумладан, цемент, шунингдек, озиқ-овқат, дори-дармон, кўрпа-тўшак ҳамда энг зарур товарлардан иборат инсонпарварлик юкини етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топширилди.

**(ЎзА)**

**ЕКАТЕРИНА ХИЛЬКО —**

## ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ СОВРИНДОРИ

Beijing 2008

*Пекинда ўтказилаётган XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг ўн биринчи куни мамлакатимиз спортчилари учун муваффақиятли келди. Ҳамюртимиз Екатерина Хилько батутда сакраш бўйича бронза медалига сазовор бўлди*

Ёдингизда бўлса, илк маротаба Ўзбекистон батутчилари 2000 йили Сиднейда ўтказилган XXVII ёзги Олимпия ўйинларида майдонга чиқишганди. Ушанда ўн саккиз ёшли Екатерина Хилько тўртинчи ўрин билан кифояланганди. Орадан тўрт йил ўтгач, Афина олимпиадасида у кучли ўнликдан жой олди.

Шу йилнинг бошида Канадада ўтказилган жаҳон чемпионатида Хильконинг омади келмади. Ушбу мусобақада ўн етти ёшли Анна Савкина олимпиада йўлланмасини қўлга киритган эди. Аммо Олимпия ўйинлари бошлангунига қадар ўтказилган жаҳон кубоги бир неча босқич баҳсларида юқори натижаларни қайд этган халқаро тоифадаги спорт устаси Екатерина Хилько Пекин майдонларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишга муносиб топилди.

4-бет

**ЎзХДП ҳаёти**

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ КУЧАЙСА,

*муаммолар ечими топилади*

Жамият ҳаётида аёлларнинг ўрни жуда катта. Буни ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди, албатта. Бугунги аёл — мустақил давлатимизнинг буюк келажагини яратишга хизмат қилади, десак, асло хато бўлмайди.

Партиямиз сафида ҳам аёллар салоҳиятли кучни ташкил қилади. Улар бугун иқтисодиёт тармоқлари, маънавият соҳаси, умуман, халқ хўжалигининг барча соҳаларида меҳнат қилаяпти, сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этишаяпти.

Аммо, афсуски, ҳаётда баъзан адашиб, билиб-билмай боши берк кўчаларга кириб қолган аёллар ҳам учрайди. Шу боис, адашиб, нотўғри йўлга кирган хотин-қизларни бу йўлдан қайтариш, улар орасида тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш партиямиз, хусусан унинг «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотларининг асосий вазифаларидан биридир.

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти шу мақсадда турли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтирмоқда. Яқинда вилоят прокуратураси, адлия бошқармаси ва Урганч шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Аёллар ҳамда воягa етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашиш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад — ушбу жараённи чуқур ўрганиш, аёлларни қийнаётган муаммолар хусусида фикр алмашиш, муаммолар ечимини топишдан иборат.

Давра суҳбатида Хоразм вилоят партия кенгаши раиси Р.Сабуров, адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари И.Тўраев, вилоят прокуратураси ходими У.Ражабов ва бошқалар сўзга чиқиб, хотин-қизларни ва ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, жойларда вужудга келган муаммолар ечимини топиш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

Таъкидландики, ушбу соҳада иш олиб бориш фақат бир идора, давлат муассасаларининг вазифаси эмас. Бу борада жамоат ташкилотлари, нодавлат тузилмалари ҳамкорликда фаолият кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Жамоатчилик назорати кучайтирилса, ҳар хил нохуш ва кўнгилсиз воқеалар олди олинади. Айниқса, маҳалла аҳлининг фаоллигини ошириш лозим, деб таъкидлади сўзга чиққанлар. Шундан келиб чиқиб, тадбир якунида вилоят партия ташкилотлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг аёллар ва ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш, тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш каби масалалар юзасидан ҳамкорлиги ҳақида келишиб олинди.

**Санобар БОТИРОВА, Барно МАТЧАНОВА.**

**Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!**

## МАҲАЛЛАДА ЯНА ЯНГИЛИК

*— Ҳар бир уй-жой ҳовлисида «Янги авлод боғи» — болалар ўйингоҳи майдончаси ташкил этаяпмиз, — дейди Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Аъзамов.*

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

2-бет

Депутат ва ҳаёт

# ЧИН САОДАТ

*кимгадир кераклигингни, бировга фойданг тегиши мумкинлигини ҳис қилишдир*

Шаҳрисабз туман ҳокимлигининг иккинчи қаватига кўтарилиб, Шаҳодат Асланованинг хонасига кирдим. У ерда жавонга сара китоблар териб қўйилган, бир нечта суратли альбомлар...

Жуссаси кичик, табиатан жонсарак Шаҳодат бугун ўйчан эди. Қаршисида ўтирган йигирма тўрт-йигирма беш ёшлардаги жувоннинг гапларига қулоқ солганча, нималарнидир ёзиб қўярди. Уларнинг сўзларига қулоқ тутдим. Аёл иккита боласи билан ёлғиз қолибди, маҳалладан нафақа олишига қарамасдан ишлашни истар экан.

— Яқинда янги тикиш машиналари оламиз, шулардан биттаси сизники. Тикиш-бичишни ҳам ўргатамиз, хўпми?, — деди у меҳрибонлик билан.

Аёл чиқиб кетгач, Шаҳодат менга юзланди:

— Муборак газни қайта ишлаш корхонаси маъмурияти илтимосимизни инобатга олиб, 60 та тикиш машинаси олиб берди. Яна ваъда қилишган, касаначиликни кенг миқёсда ташкил қилишга жуда асқотаяпти.

Шаҳардаги Кулоллик маҳалласида саккиз йилдан буён тўшакда ётган Сайёра Ражабованинг ҳолидан доим хабар олиб турибмиз. Тоғли Мироқи қишлоғида Гўзал Парпиева деган ёлғиз ногирон аёл бор. Яқинда унга ҳам битта тикиш машинасини совға қилдик.

— Жойларда бўлганимизда моддий ёрдам сўраб маҳаллага ёки партиямиз Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат қилаётганларни учратиб турамиз. Ўйланиб қоламан. Бир ишнинг бошини тутишга бўйинлари ёр бермайдими ёки бошқа сабаби борми?

— Мен ўзим Яккабоғда ўқитувчи оиласида туғилганман. Отам мактабдан кейин ёзги таътилда болалар оромгоҳига бориб ишлар, ўқитувчи онам ҳовлимизда парранда боқарди. Мени, укам ва синглимни шунинг орқасидан ўқитиб, олий маълумотли қилишди.

Москвадаги педагогика институтида ўқиб юрган кезларим машғулотлардан кейин таржимонлик қилардим. Ишлаб топган пулим, стипендиям узоқ юртда ўқишим учун ўзларини аямай меҳнат қилаётган ота-онамнинг юкини озроқ енгиллатсин, дердим. Буларни нима учун айтаяпман? Одам боласи бир нарсага астойдил киришса, ҳаракат қилса, орзуси албатта ушалади. Моддий ёрдам сўровчиларга келсак, улар орасида дангасалигидан қийин аҳволга тушиб қолганлари ҳам йўқ эмас. Энди, юринг, ҳунарманд қизларимиз ҳузурига борамиз...

Шаҳодат билан Шаҳрисабз шаҳрининг кунботар тарафида жойлашган бинога келдик. 2005 йилда Тошкентдаги «Иффатли келин» маркази Шаҳрисабзда филиал очмоқчи бўлиб, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳодат Аслановага мурожаат қилади. Рости, ёшлар, айниқса, қизларга касб ўргатиш ташвишида юрган Шаҳодат бундан севиниб кетади. Тадбиркор Баҳодир Аликулов ташландиқ биноларни таъмирлаб, шартнома тузади. Ҳозирда фақат ёшлар эмас, хонадон бекалари ҳам ўзлари қизиққан касбни ўрганиб кетишмоқда.

— Ҳаммамиз Шаҳодат опадан миннатдормиз, — дейди ўқитувчи Манзурахон Тўраева. — Нимадан қийналсак, маслаҳатга борамиз, ўзлари ҳам хабар олиб турадилар. Бизда тикувчилик, пазандачилик, сартарошлик каби ўн хил касб ўргатилаяпти. Уч йилда 3 минг нафардан ортиқ ёшлар ҳунарли бўлди. 150 кишини бепул ўқитдик. Масалан, мен турли таомлар пишириш, салатлар тайёрлашни ўргатаман. Шогирдларим орасида алоҳида ошхона очиб, ўз иши, мустақил фаолиятини йўлга қўйганлар анчагина.

— Менинг касбимга унчалик қизиқмаяпсиз-а, — дейди жилмайиб Ёқутхон Тожихонова. — Сартарошлик энг замонавий касб! Аёл гўзал бўлиши керак. Масалан, бизда шу касбни эгаллаган яккабоғлик опа-сингиллар ўзларига сартарошхона очиб олишибди. Мижозлари кўп экан. Китоб, Шаҳрисабзда ҳам шогирдларимиз ўз йўлини топиб кетишди.

Шаҳардаги озиқ-овқат ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ҳарбий қисмда хизмат қилаётган аскарлар билан учрашув бўлиши керак экан. Шаҳодатнинг таклифи билан у ерга бордик. Учрашувга келган йигитлар билан суҳбатлашиб, уларга «Соҳибқирон» деган китобни совға қилар экан:

— Бу китоб Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ҳаёти, улуғ ишлари ҳақида, — дея таъкидлайди. — Албатта, ўқинглар. Шаҳрисабздаги бетакрор биноларни ҳам улуғ бобокалонимиз қурдирган. Сизлар юртимизнинг қўриқчисисизлар. Хизматларинг енгил эмаслигини биламан. Аммо ота-она, юрт олдидаги бурчни оқлаш шарафлидир. Менинг ҳам уч фарзандим бор. Тошкент давлат техника университетида ўқиётган тўнғич ўғлим Фурқатжон қўнғироқ қилмай қўйса, ташвишга тушаман. Ота-оналар ҳамма вақт фарзандларини ўйлаб яшайди. Бу гапни бекорга айтаётганим йўқ, уйингиз, ота-она, ака-ука, яқинларингизга тез-тез хат ёзиб турингглар.

— Урганчда туғилиб ўсганман, — дейди Яхшибой Жабборов. — Оилада уч фарзандмиз. Хизматни ўтаётганимга олти ой бўлди. Опанинг сўзларини эшитиб шу тупроқ, шу юртни кўз қорачиғидай асраш учун янада кўпроқ чиниқишимиз лозимлигини англадим.

— Шаҳодат опа ўз опамиз, — дейди кичик сержант Шокир Жуманиёзов. — Тез-тез қисмимизга келиб, суҳбатлашиб, ҳолимиздан хабар олиб туради.

Учрашувдан қайтар эканмиз, катта ташкилотчи, юриш-туриши, гап-сўзлари, юз-кўзида самимият, ўз ишига ихлос уфуриб турган бу аёлнинг ҳаёти ҳақида ўйладим. Шаҳодат Москва педагогика институтини битириб, Қаршидаги институтга ишга келади. Турмушга чиққандан сўнг, касби геолог бўлган умр йўлдоши Шаҳрисабзга ишга ўтгач, шу ерга кўчиб келишади. Тумандаги ўрта мактабда рус тилидан дарс бера бошлайди. Билими, ҳаракатчанлиги туфайли туман халқ таълими бўлимида бош йўриқчи, кейин туман ҳокимлигида бош мутахассис бўлиб ишлади. 2002 йилдан туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси. Бир қарашда оддийгина таржимаи ҳол. Бироқ ўтган кунлар, йиллар қатида унинг меҳнати, сермазмун умр йўли ётибди...

Шаҳодат Асланова номзоди Ўзбекистон ХДПдан кўрсатилган депутат. Биз сизга унинг фаолиятидаги айрим қирралар ҳақидагина ҳикоя қилдик, холос. Аммо Шаҳодат халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш, оила, аёллар ва ёшлар масалалари доимий комиссиясининг раиси, ҳоким ўринбосари сифатида ҳам жуда кўплаб ибратли ишларга бош-қош.

— Ёшим бир жойга етди, — дейди Ғузор Маматов. — Аммо партиямиз қўяётган вазифаларни бажариш учун қўлдан келганча ҳаракат қилаяпман. Туманимизда қишлоқ хўжалиги етакчи соҳа. Натижалар ҳам ёмон эмас. Бироқ қишлоқ жойларида кичик-кичик қайта ишлаш корхоналари кўпайса, ёшлар тўлиқ ишли бўлса дейман. Бу борада Шаҳодатхон анча ишларни қилаяпти. Бундан кейин ҳам партиямиздан ана шундай ташкилотчи, хизмати элга манзур кишиларни депутатликка кўрсатишимиз керак.

— Ростини айтсам, кўп масалаларда сизнинг маслаҳатингизга муҳтожмиз, — дейди Шаҳодат отахонга юзланиб. — Олайлик, тумандаги коллежларда шу кун учун жуда керак касб-ҳунарлар ўргатиляпти. Ўқувчилардан қанчаси ишли бўлади? Ёки туманимиздаги пахта тозалаш корхоналари касаначиликни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратаяпти. Бироқ бу етарли эмас. Бошқа йирик корхоналарни ҳам жалб этишимиз керак. Очиғи, депутат сифатида ҳали кўп ишлашимиз, одамлар ишончига сазовор бўлишимиз керак.

Икки фаол депутатимизнинг мулоҳазаларини эшитар эканман, кўнглимга ёруғлик инади. Бугун Шаҳрисабз саноати, қишлоқ хўжалиги жадал ривожланаётган туман. Бу ишларда Шаҳодат Асланованинг депутатларимизнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!

# МАҲАЛЛАДА ЯНА ЯНГИЛИК

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Маҳалла оқсоқолининг бу гапидан сўнг, тўғриси, олдинига, нахотки, ҳар бир уйжой олдида болалар ўйингоҳи — боғ учун етарли ер майдони бўлса, бироз ошириб юбормадимми? — деган ўйга бордим.

Эртасига ишонч ҳосил қилиш учун туман ҳокимиятидаги масъуллар билан суҳбатлашдим.

— Гапнинг рости, — дейишди улар, — маҳалла раиси шундай таклиф билан келганида, аввалига ўзимиз ҳам «уддасидан чиқа олармикан» деб бироз ўйландик. Оқсоқолнинг қарори қатъий, имкониятлари етарли экан. Ўрганиб чиққач, рози бўлдик, ёрдам берамиз, дедик. Уддалашди. Биз энди бу ташаббусни Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан ҳамма уй-жойларда оммалаштиришни режалаяпмиз...

Орадан кун ўтиб, ўз кўзим билан кўриб келай деган ниятда ўша маҳаллага бордим. Гузарга олиб борувчи кўча бошида **«Блок-Ж» кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи, истеъфодаги милиция полковниги Равшан Салоев** биринчи учратган кишим бўлди.

— Маҳалламиз, — деди у мақсадимни тушунгач, — бобокалон шоиримиз номига муносиб бўлиши керак. Авваламбор, маҳалла раиси, қолаверса, унинг фаоллари саъй-ҳаракати билан сўнгги икки-уч йил ичида аҳолига имкон қадар қулайликлар яратиш борасида кўп ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Мана, масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконимизни олинг. Одамлар бозорга тушиб, юк кўтариб, машина ёллаб юрмайди. Уйларидан шундоқ чиқишади-ю, дўкондан савдосини қилиб қайтаверишади, вақтини йўқотмайди. Нархи ҳам бозордагига нисбатан бирмунча арзон, маҳсулотлар сифатли. Улар олдиндан тузилган шартномага кўра қишлоқ хўжалик корхоналаридан келтирилади. Новвойхона, сартарошхона, гўзаллик салони, техник буюмлар ва этикдўзлик устахонаси — ҳаммаси маҳалла фаоллари ҳаракати билан яқин 2-3 йил ичида бўлди. Яқинда газета-журналлар киоскаси ҳам очилди. Негаки, маҳалла раиси Шавкат ака тиришқоқ, сергайрат, кенг мулоҳазали, зиёли одам...

**— Шаҳримизда янгилик бўлган «Янги авлод боғи» қаерда?** — деб сўрадим ундан.

— Айни биз яшаётган уй ҳовлисида. Ўзиям бизнинг йўлакка рўпара. Набираларимга зўр бўлди-да. Ҳозир маҳалла раиси ва кам таъминланган оилалари ҳам, фаоллари ҳам, туманимиз ҳокими ўринбосари ҳам шу ерда. Ўйингоҳнинг очилиш маросими...

●●●

Бордик. Атрофи қуюқ сояли дарахтлар-у, гуллар билан қуршалган шинам ва ораста болалар ўйингоҳи. Ўйин учун яп-янги ва турфа бўёқда рангланган жиҳозлар...

— Мана бу ускуналарни топиш, келтириш ва ўрнатишда маҳалламиздаги 46-умумтаълим мактаби ҳамда болалар боғчаси жамоасининг хизмати катта, — дея сўз бошлади **маҳалла раиси**. — Мактабнинг юқори синф ўқувчиларидан тузилган гуруҳ ва ўқитувчилар, боғча тарбиячилари жимжимадор шакларда терилган тошларни алоҳида меҳр билан бўяб чиқдилар. Туман ҳокимияти вакиллари ўз вақтида хабар олиб, астойдил қўллаб-қувватлаб туришди...

**— Ташаббус кимдан бўлган ўзи?**

— Маҳалла фаолларидан. Мактаб директори Барно Шоқурбонова, боғча мудираси Ноила Турдиева ишга бош-қош бўлишди. Натижада, **«Боғча — мактаб — маҳалла»** кучи бирлашиб, мана шундай хайрли иш юзага келди.

**— Маҳаллада аҳоли кўпми?**

— 7,5 минг нафар. Блок усулида қурилган (ҳар учтўртта уй бир-бирига уланган) 11 та кўп қаватли уйларнинг ҳар қайсида 150-160 тадан хонадон бор. Баъзиларида 170 тага ҳам етади.

**— Маҳаллада кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериш ҳамда Ёшлар йилида уларни иш билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам икки оғиз...**

— Жорий йилда 30 дан зиёд кам таъминланган оилаларга 3 миллион сўмдан кўпроқ моддий ёрдам берилди. Йилнинг биринчи ярим йиллигида 2 ёшгача болалари бор оилаларга 11 миллион сўмдан зиёдроқ, 18 ёшгача бўлган болалар учун 6 миллион сўмдан ошиқроқ маблағ ажратилди. Давлатимизнинг бағри кенг, меҳрибонлиги юксак. Бундай ҳимматга фақат ва фақат мустақиллик йиллари йўл очилди, Аллоҳга шукр...

— Иш билан банд бўлмаган ёшларнинг муқим иш жойлари билан таъминлашда ҳам маҳалла фаолларининг хизмати бениҳоя катта, — дея гапга қўшилди **«Блок — И1» кўп қаватли уй бошқарувчиси Неъматулла Каримов,** — маҳалла билан туман меҳнат биржаси ўртасида қалин алоқа ўрнатилган. Қолаверса, ёшлар билан ишлаш ва уларнинг тарбияси йўлида профилактика ишлари назоратчиси, милиция майори Олимжон Мирзабоев, сардор йигит Мирсултон Умаров, маҳаллада маънавият-маърифат ва диний ишлар бўйича раис ўринбосари Умида Аҳмедова, хотин-қизлар қўмитаси етакчиси Малика Убайдуллаева, бир сўз билан айтганда, ҳаммаси баҳамжиҳат, мақсадли, маслакли яхши-яхши ишларга қўл урмоқдалар...

●●●

Қайтаётиб, дастлабки суҳбатдошим — Равшан Салоев билан катта йўлгача бирга — пиёда чиқдик. У киши ўз маҳалла ва маҳалладошлари ҳақида мамнуният билан ҳикоя қилар экан, бу ерда тўй-томошаларнинг батартиб ўтаётгани, байрамлар ва маросимларда эл-юртга ош тортилаётгани, миллий удумлар ва қадриятларнинг нуфузи тобора ошиб бораётгани, кўплаб муаммолар ҳозир айнан маҳалланинг ўзида ҳал бўлаётгани ҳақида мароқ билан гапирди. Унинг сўзлари менга беихтиёр давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг **«Биздан озод ва обод Ватан қолсин!»** номли китобида айтилган мана бу сўзларни эслатди:

**«Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига жуда катта хос бўлган усули — маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун масъулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ...**

**Унинг нуфузини кўтариш, билингки, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир... Биз маҳаллаларга шу нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қурби етади. Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллада бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир давлат идораси ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайди».**

●●●

Айни шу ўринда Мустақилликнинг 17 йиллиги арафасида мазкур маҳаллада (Тошкент шаҳрида 500 дан ортиқ маҳалла бор!) ташкил этилган навбатдаги янгилик — **«Янги авлод боғи»** — болалар ўйингоҳи мамлакатимизда оммалаштиришга муносиб ташаббус деб ўйлаймиз.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ.**

# БОҚИЙ ВА БАРҲАЁТ АНЪАНА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Умумхалқ хайрия ҳашари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўтаринки руҳ, юксак ташкилий савияда ўтди. Ҳашарчиларимиз саъй-ҳаракати билан йигирма икки минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. Минглаб тонна чиқинди ташиб кетилиб, ариқ-зовур, лоток ва бошқа сув йўллари тозаланди. Кўплаб зиёратгоҳлар, қабристонлар, боғлар, хиёбонлар тозаланди. Минглаб ҳашарчилар ўз иш жойларида меҳнат қилди. Кўпгина юртдошларимиз мамлакатимизда барпо этилаётган иншоотлар, ёш оилалар учун мўлжалланган уй-жойлар қурилишида мутахассислар ва бунёдкор ёшларга яқиндан кўмак берди. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ободонлаштириш ойлиги ва умумхалқ ҳашарини ташкил этиш ва ўтказишда фаоллик кўрсатган маҳалла, кўча ва кўп қаватли уйлар жамоаларининг хайрли ишларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида жамоатчилик иштирокини янада кучайтириш мақсадида «Энг обод маҳалла», «Энг озода кўча» ва «Энг саришта уй» танловини эълон қилди. Мазкур тадбир ғолиблари Истиқлол байрами арафасида аниқланади ва тақдирланади.

Ҳашар кунлари, одатдагидек, кекса ва ногиронларга, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар ва кам таъминланган оилаларга уй-жой шароитини яхшилаш ва моддий кўмак кўрсатиш билан боғлиқ кенг кўламли вазифалар ҳам бажарилди. Бу борада меҳр-мурувват ва ўзгалар кўмагига муҳтожлар ҳамда эҳтиёжманд оилаларга 427 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳаки Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимлари ҳисобрақамига ўтказилади. Бу маблағ аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига, шу жумладан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногирон ҳамда ёлғиз кексаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ва ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, «Ёшлар йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ ишларга сарфланади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# МИНИМАРКЕТ — КИЧИК БОЗОРДЕК МАСКАН ЭКАН

**АНДИЖОН.** Вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси тизимида янги-янги замонавий савдо дўконлари ишга тушириляпти. Йил бошидан буён қурилган ва таъмирланган дўконлар сони 58 тага етди. Яқинда Булоқбоши туманидаги Найман ва Исломобод маҳаллаларида минимаркет ҳамда иссиқ нон дўконлари иш бошлади. Шунингдек, Андижон туманининг Хартум, Хакан, Орол қишлоқларида, Пахтаободда Пахтакор, Иттифоқ, Асакада Оқбўйра қишлоқлари маҳаллаларида ҳам шундай дўконлар фойдаланишга топширилди.

— Мустақилликнинг 17 йиллиги байрами олдидан амалга оширилган бу хайрли ишлардан ғоят хурсандмиз, — дейди Андижон туманидаги Қосим ҳожи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Жўрабой Усмонов. — Энди янги савдо дўконларидан истаган кундалик эҳтиёж молларию зарур маҳсулотларни сотиб олиш имконига эгамиз. Минимаркет, бу — худди кичик бозордек зарур, харидорнинг оғирини енгил қиладиган маскан экан.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ.**

# КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ ХАРИДОРГИР

Қўқон шаҳрида фаолият юритаётган «Қўқон механика заводи» акциядорлик жамияти бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулотлар турини кўпайтиришга катта эътибор қаратмоқда.

Корхона мамлакатимиз нефть ва газ саноати учун зарур бўлган эҳтиёт қисмлар етказиб беради. Айни кунда завод етмиш фоизга модернизация қилинди. Натижада бу ерда газ ва нефть саноати тармоқларига керакли бўлган замонавий ускуналар тайёрлаш имконини берадиган илғор технологиялар жорий этилди.

Ҳозир заводда ишлаб чиқарилаётган деталлар ва бутловчи қисмлар 50 турдан ортди. Айни кунларда жамият Самарқанддаги «СамАвто» заводи билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Шунингдек, корхона республикамиз саноат тармоқларининг бошқа тармоқлари ривожига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Биринчи ярим йилликда ишлаб чиқариш суръати 146 фоизга етди. Маҳсулот сотиш ҳажми 13,8 миллиард сўмдан ошди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 500 миллион сўм кўпдир.

Таъкидлаш жоизки, корхона маҳаллийлаштириш дастури асосида иш олиб бормоқда. Бу эса маҳсулот таннархини арзонлаштириш ва технологик жараёнларини янада такомиллаштириш имконини бермоқда.

**Суратларда:** участка бошлиғи Раҳим Узоқбоев ва токар Улуғбек Усмонов; корхона фаолиятидан лавҳалар.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**Миллат ва маънавият**

# КЎРИНМАС ИЛЛАТ

*ёхуд «Оммавий маданият»га қарши маърифий курашмоқ хусусида*

Бугунги маънавий ва ижтимоий ҳаётимиз ранг-баранглиги билан диққатни тортади. Демократик жамиятда бу оддий ҳол ҳисобланади. Табиийки, шу йўл билан одамларда маънавий оҳорланиш, янгиликка интилиш ва ҳаётни севиш каби туйғулар шаклланиб боради.

Миллий ахлоқ анъаналари ва демократик қадриятлар фуқароларимизда ўзига хос ижтимоий онг шаклланишига асос бўлмоқда. Эркинлик, иймон-эътиқодлилик, иродалилик, бағрикенглик каби сифатлар кишиларимиз табиатида муқим ўрнашмоқда. Ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда бунёдкорлик руҳи таркиб топди. Айниқса, ёшларимизда ташаббускорлик, қизиқувчанлик ва билим олишга интилиш кучайиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Шу билан бирга, технология асрида маънавий оламимизга таҳдид солувчи ғоявий хуружлар ҳам кучайиб бормоқда. Шулардан бири **«оммавий маданият»** деб аталмиш иллатдир.

Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» ва «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарларида «оммавий маданият» тушунчаси ҳақида сўз юритиб, унинг мазмунини **«Маънавий ва ахлоқий тубанлик иллати»** дея изоҳлаган. Бу бежиз эмас. Чунки «оммавий маданият» ниқоби остида миллий ахлоқ ва демократик қадриятларга зид ғоялар, инсонийликка тескари бўлган иллатлар ва хатти-ҳаракатлар ғаразли мақсадда тарғиб қилинади.

Олимлар ва зиёлилар бу иборани ижобий ва салбий маънода ишлатадилар. **Ижобий** маънода бу тушунча халқ оғзаки ижоди, анъаналари ва қадриятларининг кўринишини ифодалайди. **Салбий** маънода эса ғараз ниятли кишилар томонидан ўйлаб топилган ғоялар, меъёрлар ва одатлар мажмуи бўлиб, у ўзгалар онгига зўрлаб тиқиштирилади. Шу маънода «оммавий маданият» тушунчаси қўштирноқ ичида ишлатилганда маънавий таҳдидларни қамраб олувчи омил сифатида тушунилади.

Хўш, «оммавий маданият» тушунчаси қаердан пайдо бўлди? У осмондан тушгани йўқ албатта. Саноатнинг ривожланиши натижасида XIX аср охири, XX аср бошларида Ғарб мамлакатларида «оммавий маданият» пайдо бўлди. У инсоннинг интим хоҳишларини қондириш ва кўпроқ лаззатлантириш ғоясини ифодалай бошлади. Шу ўринда «лаззатланиш» ва «завқланиш» тушунчаларини фарқлаш керак. Лаззатланишда нисбатан нафсни қондириш, завқланишда эса маънавий ҳузурланиш тушунилади. Шу маънода «оммавий маданият» севги, мода ёки кўнгилхушлик воситалари ёрдамида инсоннинг нафсоний туйғуларини қондиришни назарда тутади. Ушбу мисолларга эътибор беринг: XX асрнинг 50-60 йилларига келиб, «оммавий маданият» ниқоби остида Ғарб мамлакатларида эркин муҳаббат ғояси тарғиб қилина бошлади. Унга кўра, жинсий ҳурликка қадрият сифатида қаралади. Натижада XX асрнинг 80-90 йилларига келиб Европа ва АҚШда уч муаммо барчани эсанкиратиб қўйди: 1) туғилиш кескин камайиб кетди; 2) оиланинг муқаддаслигига путур етди; 3) аёлга бўлган ҳурмат йўқолди.

Соғлом фикрли олимлардан бири Патрик Бьюкенен қуйиниб шундай ёзган эди: «Оммавий маданият» оналик бахтидан кўра, тартибсиз жинсий алоқани қадрият деб билди. 1950 йилларда Ғарбда никоҳнинг бузилиши шов-шувга сабаб бўларди, бугун эса унга оддий ҳодиса сифатида қаралмоқда». Мана сизга «оммавий маданият»нинг эркин муҳаббат ғояси келтириб чиқарган оқибат!

Бунинг иккинчи ғояси модадир. Унга кўра, киши хоҳлаган шаклда кийиниб, жамоат жойларида бемалол юриши мумкин экан. Олимлар бундай хатти-ҳаракатнинг уч зарарини шундай кўрсатишади: 1) одамлар, айниқса ёшларнинг тарбияси бузилади; 2) инсон ҳайвонот оламига яқинлашиб боради; 3) кишиларнинг, айниқса, аёлларнинг латофати ва ҳурмати йўқолади.

«Оммавий маданият»нинг учинчи ғояси кўнгилхушликдир. Унга кўра, ҳар қандай лаззатланишга изн берилади. Тунги барларда санғиш табиий ҳол сифатида қабул қилинади. Соғлом фикрли олимлардан яна бири Юрген Хабермас фикрича, «Ғарб мамлакатларида ёмғирдан кейинги қўзиқориндек тунги барларнинг кўпайиши одамларда мардлик, жасорат ва ҳалоллик сифатларининг йўқолишига олиб келди». Бундай офатдан Худонинг ўзи асрасин.

«Оммавий маданият»нинг яна бир неча қоидавий тамойиллари бор. Уларнинг энг муҳимлари индивидуализм, эгоцентризм ва меъёрсиз эркинлик ҳисобланади. Унга кўра, **индивидуализм** деганда шахснинг одамовилиги тушунилади. Вояга етган йигит ёки қиз ўзбилганича яшайди, унга оила, ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй аҳамиятсиз ҳисобланади. **Эгоцентризм** эса одамнинг ўз манфаатларини устун қўйишидир. Бунда одам боласи нимадан фойда келса ёки манфаат кўрса, шунга калла ташлайди. Бу ҳолатни зукко олим Нажмиддин Комилов «ўзим бўлай фалсафаси» деб атайди. **Меъёрсиз эркинлик** — бу кишининг ҳеч қандай меъёр, қоида ва қонунларга риоя қилмаслигидир. Мисол учун, унинг яққол кўриниши жамоат жойларида бешарм йигит-қизларнинг бир-бирини ялаб-юлқашидир.

Диққат қилинса, «оммавий маданият» тамойиллари маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларига асосланган.

Савол туғилади: «оммавий маданият» кимлар томонидан тарғиб қилинади ва нима учун? Бу иллат онгли равишда бузғунчи кимсалар ва марказлар томонидан тарғиб қилинади. Ундан кўзланган мақсад — миллий маданиятни сусайтириш, шахс ахлоқини бузиш ва бунинг натижасида муайян давлатнинг бошқа халқлар устидан гегемонлигини ўрнатишдир. Бу бўлмағур тушунча кино, санъат ва порнография маҳсулотлари воситасида ҳам тарғиб қилинади. Хавфли томони шундаки, бу иллат ниҳоятда беозорлик ва силлиқлик билан юқтирилади.

Хўш, бу кўринмас офатга қарши қандай курашиш керак? «Оммавий маданият» ниқобидаги маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларига қарши туришнинг энг мақбул усули **МАЪРИФИЙ КУРАШ**дир. Унга кўра, миллий ғояни одамлар, айниқса ёшлар онгига сингдириш кенг кўламли бўлиши лозим. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, маънавият инсонни руҳан поклайдиган, иродасини бақувват қиладиган, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс кучдир.

Шу ўринда бир фикрни таъкидлаш лозим. Бундай иллатларга қарши иммунитет аввало оилада ҳосил қилиниши керак. Афсуски, айрим ота-оналар ўз хатти-ҳаракатлари билан фарзандлари тарбиясига путур етказишаётганини ўйлашмайди. Боламизга ундай қилма, деймиз-да, айнан ўзимиз шуни қиламиз. Албатта, орамизда фарзандини баркамол инсон қилиб вояга етказган ва етказаётган ибратли оилалар жуда кўп. Бундайлардан ҳар қанча ўргансак арзийди.

Оилада тарбия масаласи қатъий ва мустаҳкам бўлмас экан, ҳар қандай тарғиботларимизнинг кучи сезилмайди. Биз ота-оналар бир жиддий, ҳаётий саволга аниқ ва данғал жавоб топишимиз керак: **яшашдан мақсад нима ўзи?** Бахтли бўлиш ва фарзандлар камолини кўришми? Шундай экан, болалар тарбияси бизнинг энг асосий вазифамиз бўлиши керак! Эътибор беринг, рўзғор тебратаман, бола-чақа боқаман деган чоп-чоплар билан умримиз ўтиб бормоқда. Боламиз эса бўй чўзиб, интернетга рўжу қўймоқда — биз эса бу ўзгаришларни турлича тушунаяпмиз. Биримиз замондан орқада қолмаслик керак десак, бошқамиз улар билан шуғулланиш учун вақт тополмаймиз. Гап-гаштак, улфатчиликлар эса эсимиздан чиқмайди. Тажрибада кўринадики, ҳар бир муаммо оилада фарзандлар билан очиқчасига муҳокама қилинса, самараси ғоятда яхши бўлар экан...

Бир дўстимга айнан ушбу мавзуга боғлиқ хавотирларим ҳақида гапирсам, у «бунча куюнасан, демократик жамиятда аслида шундай бўлади», — деди бамайлихотир. Тўғри, ҳаммамиз демократия тарафдоримиз. Лекин, одамни айнитадиган, миллий ахлоқни бузадиган ва Ватанга, алалоқибат маънавий дунёмизга жиддий хавф соладиган таҳдидларни демократик қадрият дея олмаймиз. Модапарастлик, баъзи аёлларимизнинг чекиш ва ичишга ўрганаётгани, болаларимизнинг қулоқсиз бўлиб бораётгани эртага наслимиз тозалигига дахл қилмасмикан? Бундан манфаатдор бўладиган қучлар атрофимизда кўз тикиб тургани ҳам сир эмас.

«Оммавий маданият» иллатига қарши курашнинг энг мақбул йўли Ватанни ҳис қилишдир. Ватан бизга ўзлигимизни таниш ва уни кўз қорачиғидек асраш имконини беради. Бир ҳақиқатни данғал айтиш керак: юрагида Ватан ҳисси бўлмаган фарзанд ота-онасининг ҳам, ўзи туғилиб ўсган тупроқнинг ҳам қадрига етмайди. Ватанпарварлик эса маънавий ва ахлоқий тубанликка қарши турадиган енгилмас кучдир.

**Абдумалик ЁҚУБОВ**

**Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!**

## АТИБ «ИПОТЕКАБАНК» БУХОРО ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

***қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:***

**«Ипотекабанк» АТИБ Бухоро вилоят филиали биносини капитал таъмирлаш.**

Буюртмачининг бошланғич нархи — 498698,014 минг сўм.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 3,5 ой.

Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Буюртмачи:** АТИБ «Ипотекабанк» Бухоро вилоят филиали.

**Манзили:** Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 10-уй. Факс: 770-01-40, тел: 223-30-34.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

**Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.**

***Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: **Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.**

*Энг улуғ, энг азиз байрам — Истиқлолнинг 17 йиллиги арафасида Жомбой туманидаги Журият маҳалласида 420 ўринли замонавий типда барпо қилинган умумтаълим мактаб биноси ўқувчи ёшларга туҳфа этилади. Мазкур иншоот қурилишига 890 млн. сўм маблағ сарфланди ва етти ой давомида «Самарқандкристалл» МЧЖнинг 300 нафарга яқин қурувчилари томонидан барпо этилди. Мактаб шинам синф хоналари, ўқув лабораториялари, спорт зали, ошхона ва бошқа зарур қулайликларга эга.*

***Суратларда**: мактаб директори Асад Нарзиев (чапда) иш юритувчи Шокир Алиев билан мактабни жиҳозлаш хусусида суҳбатлашмоқда.*

**Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.**

**Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!**

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

*ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:*

**Объектлар номи:**

**1-1.** «Фарғона шаҳар, Қувасой кўчасидаги «Футбол лицей-интернати» сузиш бассейнини мукаммал таъмирлаш.

**1-2.** Қўқон шаҳар, А.Т.Ҳўқандий мавзесидаги футбол мактабининг сузиш бассейнини мукаммал таъмирлаш.

Муддати — 25 ноябрь 2008 й.

**Буюртмачи:** Фарғона вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, **телефон:** 224-24-33, 224-39-77.

**Таъмирлаш ишлари Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.**

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, (Фарғона вилоят «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси биноси), телефон: 224-18-76, факс: 224-74-20 мурожаат қилишлари мумкин.

***Танлов ҳужжатлари бир тўпламиниг нархи — 60 000 сўм.***

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

## РАЙС БИТИМНИ ИМЗОЛАЙДИ

*АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс яқин орада Польшага ташриф буюриб, ракетага қарши мудофаа келишувини имзолашини айтди. Итар ТАСС хабарига кўра, ўтган пайшанба куни томонлар Польша ҳудудида ракета ҳужумига қарши мудофаа қисмларини жойлаштириш бўйича ўзаро келишиб олди. Битимга мувофиқ, Эроннинг ногаҳоний ҳужумидан ўзини ҳимоя қилиш учун АҚШ Чехияда радар, Польшада эса ўнта тутувчи ракета ўрнатади. Польшага қилинган сафардан аввал Райс сешанба куни НАТОда Шимолий Атлантика давлатлари ташқи ишлар вазирлари йиғилишида иштирок этади.*

## ЯНГИ ҲИСОБОТ СЕНТЯБРДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

*Теҳронга келган Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) директори ўринбосари Олли Хейнонен ташкилотнинг Эрон билан ҳамкорлик масалаларини муҳокама этади, деб хабар беради РИА Новости. Эслатиб ўтамиз, ташкилот ва Эрон Ислом Республикаси ўртасидаги музокаралар Хейноненнинг 7-8 август кунлари Теҳронга қилган ташрифи давомида бошланган.*

*Музокараларнинг биринчи қисмига изоҳ берган атом энергияси бўйича Эрон Ташкилоти раҳбари ўринбосари Муҳаммад Саидийнинг айтишича, атом энергияси бўйича халқаро ва Эрон ташкилоти ўртасидаги биринчи учрашув муваффақиятли кечган. Томонлар музокаралар мавзуси ҳақида маълумот бергани йўқ. Кузатувчиларнинг фикрича, учрашув эронлик атом тадқиқотчиларининг атом энергияси соҳасида ўтказаётган тажрибаларига бағишланган.*

*Шу йилнинг май ойида атом энергияси бўйича Халқаро агентлик раҳбари Муҳаммад ал-Барадейнинг ҳисоботида айтилишича, Эрон ядро дастури масалаларига аниқлик киритилган. Унинг Эрон ядро дастурига бағишланган янги ҳисоботи сентябрь ойида эълон қилиниши кутилмоқда.*

## «ФЭЙ» ХАВФ СОЛМОҚДА

*Гаитида «Фэй» тўфони оқибатида дарё тошиб кетган. Рейтер хабар беришича, офат натижасида автобус ҳалокатга учраб, 50 нафарга яқин йўловчи ҳаётдан кўз юмган. Воқеа автобус Гаити жануби-шарқидаги Гранд-Энс музофотида дарёдан ўтаётган вақтда рўй берди.*

*Маҳаллий маъмуриятнинг айтишича, яна 200 нафар йўловчи автобус томига чиқиб жон сақлаган. Аввалроқ «Фэй» натижасида Доминикан республикаси ва Гаитида 8 киши ҳалок бўлган эди. Энди «Фэй» катта бўронга айланиб, Куба ва АҚШга ҳам хавф солиши кутилмоқда. Куба ҳукумати 15 минг аҳолини соҳил бўйидан кўчирди.*

## ИТАЛИЯДА МУҲОЖИРЛАР КЎПАЙМОҚДА



*Италияда ноқонуний муҳожирлар сони ўтган йилга нисбатан икки баробар кўпайди, деб хабар беради Би-би-си Ньюс. Италия ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 2008 йилнинг ўтган саккиз ойида Италия орқали Европага келган муҳожирлар сони 15 мингдан ошиб кетган. Уларнинг аксарияти Шимолий Африка фуқаролари бўлиб, Ўрта Ер денгизи орқали кичик қайиқларда сузиб келишмоқда. Шу йил Италиядан ватанига депортация қилинганлар сони ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир.*

*Шу муносабат билан Италия президенти Сильвио Берлускони ноқонуний муҳожирларга қарши курашувчи кампания тузишга қарор қилди. Жумладан, чегарани ноқонуний кесиб ўтганлик учун тўрт йиллик қамоқ жазоси жорий этилди. Кўп мамлакатлар ўз юртини тарк этган фуқароларини қайтиб олишни истамаётгани вазиятни янада чигаллаштирмоқда.*

## УЭЛС ЧАРЛЗ НОТАБИИЙ ТАРАҚҚИЁТГА ҚАРШИ

*Гени ўзгартирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини истеъмол қилиш жаҳон иқтисодини инқирозга учратади, дейди Британия шаҳзодаси Уэлс Чарлз. «Биз фақат маҳсулот ишлаб чиқаришни эмас, балки унинг хавфсизлиги ҳақида ҳам бош қотиришимиз керак», — дейди у «Дейли телеграф» журналида чоп этилган интервьюсида. Шаҳзода олимлар қўллаётган усуллар тупроққа салбий таъсир ўтказиб, экологик офат келтириб чиқаришини айтди. Унинг фикрича, бундан, айниқса, кичик фермерлар катта зарар кўради. Шунингдек, у атроф-муҳит муҳофазаси учун экологик зарарсиз транспорт воситаларидан фойдаланишга даъват этди.*

*Шаҳзоданинг ўзи Кариб оролларига саёҳат чоғида самолётдан эмас, яхтадан фойдаланган. Бундан ташқари, унда инглиз виносида юрадиган Aston Martin автомобили, ёғда юрадиган Jaguar, Audi ва Range Rovers русумли машиналар бор.*

*Чарлз 1998 йил генетик тадқиқот олиб бораётган олимларни «ёлғиз Худога тааллуқли ишлар»га бурун суқишда айблаганидан сўнг илм-фан вакиллари томонидан қаттиқ танқидга учраган эди. Лекин у ўз фикрида қатъий турибди.*